O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
№24 (777) 2024 йил 15 март, жума
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# БУ ЙИЛ ИҚТИСОДИЁТИМИЗДА ҲАЁТИЙ УЙҒОНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙИЛИ БЎЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 14 март куни Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманига ташриф буюриб, аҳолининг яшаш шароитлари билан танишди.**

Сафар асносида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназаров билан самимий суҳбатлашди. Мулоқотда диний-маърифий йўналишлардаги ишлар, муборак Рамазон ойининг фазилатлари ҳақида сўз борди.

Маълумки, 11 март куни бутун ислом уммати қатори юртимиз мусулмонлари ҳам бу қутлуғ ойни хурсандчилик билан кутиб олдилар. Рўзадорлар мамлакатимиздаги тинчлик ва фаровонлик шарофатидан ибодатларини эмин-эркин адо этмоқда, бунинг учун Аллоҳ таолога чексиз шукроналар айтмоқда. Масжидларда Қуръони карим хатм этилиб, халқимизга осойишталик, файзу барака тилаб дуолар қилинмоқда.

Муфтий бу улуғ айёмда сабр-қаноат, хайру саховат фазилатлари зиёда бўлишини, юртдошларимиз буни ҳис қилиб, савоб амалларни кўп қилаётганини айтди.

Президентимиз бу ойни юксак даражада ўтказиш, юртимиздаги тинчликни қадрлаш ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича ўз фикрларини билдирди. Инсон қадрини улуғлаш мақсадига мувофиқ, халқимиз манфаатларини таъминлаш, муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш давом эттирилишини айтди.

Тадбиркорликни ривожлантириш, томорқа ва уй хўжаликларидаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш орқали қишлоқ аҳолиси турмушини юксалтириш муҳимлиги таъкидланди. Ёшларни билим-маърифатли ва ватанпарвар этиб тарбиялаш, уларни ўқишга, меҳнатсеварликка ундашнинг аҳамияти ҳақида суҳбатлашилди.

Дастлаб тумандаги Иттифоқ маҳалласида томорқа ва уй хўжаликларидаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш орқали аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар раҳбарлари, 208 та туман ва шаҳар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, банклар ва маҳаллалар вакиллари қатнашди. Давлатимиз раҳбари одамлар яхши яшашга интилаётгани, уларга маблағ ва кўмак бериб, даромад манбаи яратиш зарурлигини таъкидлади.

– Тадбиркорлик, бандлик, камбағалликдан чиқаришга катта маблағлар ажратаяпмиз. “Маҳалладаги еттилик”ни нима учун ташкил қилдик, камбағалликдан чиқариш тизимини нимага хонадонгача олиб бордик? Мақсадимиз – томорқани ишлатиб, хонадонда ишлаб чиқариш қилиб, кўчада хизматларни кўпайтириб, ҳар сотихдан 1-2 миллион сўм даромад топишга ўргатиш, – деди давлатимиз раҳбари.

Лекин Сайхунободда натижалар бундай эмас. Қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва инвестициянинг тумандаги тизими етарлича ишламаяпти, тадбиркорлик ўсмаяпти.

Шу боис Сирдарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари, Сайхунобод тумани ҳокими ва бошқа бир қатор раҳбарлар вазифасидан озод қилинди.

Йиғилишда Сайхунобод тумани мисолида ҳудудлардаги муаммолар ва фойдаланилмаётган имкониятлар кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, давлат томонидан банкларга катта ресурс ажратилаяпти. Ўтган йили маҳаллалардаги тадбиркорлик учун Сайхунободга 120 миллиард сўм берилган. Туман тадбиркорлари солиқдан 85 миллиард сўмлик имтиёз олган.

Лекин бунинг самараси шунга яраша эмас. Хусусий секторда яратилган расмий иш ўрни бор-йўғи 968 тага кўпайган. 2023 йилда туманда 167 та янги тадбиркор пайдо бўлган бўлса, шунинг ярми ҳали иш бошламаган.

Банклар фақат қайтимни ўйлаб, осон йўл билан ресурсларни доимий мижозига бераяпти. “Мен ҳам тадбиркор бўлай, маҳаллада иш ўрни яратай”, деган оддий одамлар четда қолиб кетаяпти. Камбағалликни йўқотиш учун уларга тайёр лойиҳа берилмаяпти.

Ўтган йили Сайхунободда саноат ҳажми ҳам ўсмаган. 19 та маҳалладан 16 тасида юқори қўшилган қиймат яратадиган бирорта ишлаб чиқариш йўқ. Тайёр инфратузилмаси бор 16 та бино ва иншоот сотилмай турибди. Хомашё тайёрлаш, борини қайта ишлаш, одамларни маҳсулот ишлаб чиқаришга ўргатиш ва кооперация қилиш бўйича ташаббуслар йўқ.

Туманнинг энг катта захираси ҳам, имконияти ҳам – ер. Сайхунобод аҳоли томорқаси 20 сотихдан ортиқ бўлган 26 та тумандан бири. Томорқаларда асосий экин беда билан макка бўлиб қолган. Сархил мева-сабзавотлар етиштириб, даромад олиш, экспорт қилиш йўлга қўйилмаган.

Сайхунободнинг 19 километр ҳудудидан Сирдарё оқиб ўтгани учун “сув текин” деган тушунча ўрнашиб қолган. Атиги 22 фоиз ерларда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган. Шоличилик фермер хўжаликлари лазерли текисланмаган. Каналларни бетонлаш режаси тўлиқ бажарилмагани оқибатида 9 та маҳалладаги 5 минг гектар ерга сув кам бораяпти.

Йиғилишда бу муаммоларни ҳал этиш ва ишсизликни камайтириш чоралари муҳокама қилинди.

Аввало, Сайхунободдаги 17 мингта хонадондаги томорқани ишга солиш, кичик саноат ва хизматларни йўлга қўйиш орқали аҳолини даромадли қилиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун банклар ҳоким ёрдамчилари билан бирга 19 та маҳалла ва 794 та кўчани номма-ном бўлиб олиб, “драйвер” йўналишлардан келиб чиқиб, ҳар бирига техник иқтисодий асос ишлаб чиқади.

Сайхунободда илк бор янги тажриба қилиниб, 19 та маҳалланинг ҳар бирига биттадан мини трактор, 4 тадан мотокультиватор олиб берилди. Эндиликда ҳоким ёрдамчилари “1 сотих томорқадан камида 1-2 миллион сўм даромад” деган мезон асосида аҳоли учун бизнес режа ишлаб чиқади. Маҳалладаги агрономлар билан бирга томорқа ерларини ҳайдаш ва экин экиш хизматларини кўрсатади. Бу тажриба бутун республикада оммалаштирилади.

Томорқада етиштирилган маҳсулотни сотиб олиш тизимини йўлга қўйиш ҳам муҳим масала. Шу мақсадда туманда экспортга кўмаклашувчи корхона очилиб, уставига 1 миллиард сўм киритилади. Бу корхона 4 минг хонадонга серҳосил қовоқ, мош, ловия, розмарин, брокколи, тимьян уруғларини етказади, етиштирилган маҳсулотни сотиб олиб, экспорт қилади.

Бундан ташқари, маҳаллада сотиб олишни йўлга қўйган экспортчи, илғор тадбиркорларга 300 миллион сўмдан 1 миллиард сўмгача грант берилади.

Тумандаги 19 та маҳалланинг ҳар бирида 10 тадан хонадонда намунавий интенсив боғ яратилади. Кооперация асосида уларга эскпортчилар боғланиб, 2 минг тонналик сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш мажмуалари ташкил этилади. Ҳар бир намунавий хонадон эса келгусида қўни-қўшниларини ҳам бунга ўргатади. Бунинг учун ҳоким – боғ эгаси – банк ўртасида уч томонлама шартнома тузилади.

Мебель корхоналари учун терак етиштириш имконияти ҳам бор. Шу боис тумандаги 98 километр каналлар ва дренаж тармоқлари атрофидаги 100 гектар бўш ерлар кооперация асосида 500 та хонадонга терак экиш учун бўлиб берилади.

Сайхунободда саноат усулида йилига атиги 60 минг парранда етиштирилаяпти. Бу жуда кам. Шу боис 4 та йирик паррандачилик фермаси ташкил этилиб, 2 мингта хонадон билан кооперация йўлга қўйилади. Натижада хонадонларда йилига 10 миллион парранда боқилиб, қўшимча 22 минг тонна парранда гўшти етиштириш мумкин бўлади.

▶ 2-бет

# УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИ СОҲАСИДА ЯНГИ ВАЗИФА ВА РЕЖАЛАР

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 12 МАРТ КУНИ УЙ-ЖОЙЛАР ҲАМДА “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗДИ.



### ШУ КУНГА ҚАДАР:

ипотека тизимига барча манбалардан **100 триллион** сўм маблағ йўналтирилди;

ҳудудларда **6 мингта** кўп қаватли уй барпо этилди;

**250 минг** оила янги бошпанали бўлди;

даромади юқори бўлмаган **45 мингта** оилага бошланғич бадал ва фоиз тўлови учун **2,4 триллион** сўмлик субсидиялар берилди.

### 2023 ЙИЛДА:

**85 мингта** хонадон қурилди;

аҳолига **17 триллион** сўмлик ипотека кредитлари ажратилди.

### ЯНГИ РЕЖА ВА ВАЗИФАЛАР:

2024 йилги дастур доирасида **100 мингта** уй-жой қурилади;

ипотекани молиялаштириш учун барча манбалардан **22,5 триллион** сўм йўналтирилади;

даромади юқори бўлмаган **20 минг** оилага бошланғич бадал ва фоиз тўловини қоплаш учун **2,3 триллион** сўм йўналтирилади;

пудрат ташкилотларининг айланма маблағини кўпайтириш учун **500 миллиард** сўм ресурс ажратилади.

### ИМТИЁЗ ВА ЕНГИЛЛИКЛАР:

пудрат ташкилотларининг айланма маблағларини кўпайтириш учун **500 млрд** сўм ресурс йўналтирилади. Бунда йиллик 16 фоиз ставкада 12 ойлик имтиёзли давр билан 18 ойга имтиёзли кредитлар ажратилади;

эндиликда 5 қаватли уйларни барпо этишга камида **“қониқарли”** ва 9 қаватли уйларга **“ўрта қониқарли”** рейтингига эга бўлган пудратчилар жалб қилинади. Бу эса қўшимча **2 мингга** яқин пудратчига йўл очиб беради;

пудратчиларга кредитлар бўйича кафиллик бериш ва фоиз харажатини қисман қоплашга **200 миллиард** сўм йўналтирилади;

махсус техникалар импорти бўйича берилган божхона имтиёзи **яна бир йилга** узайтирилади;

ипотека кредитлари бўйича гаровга олинадиган **уйни суғурталаш талаби** бекор қилинади;

камбағалликдан чиқариш дастурига кирган ва турар жойи ночор аҳволдаги оилаларга ўз ҳовлисида уй қуриш ва таъмирлашга **120 миллион** сўмгача ипотека кредити ажратиш йўлга қўйилади;

турар жойлар қурилишида **“яшил”** стандарт жорий қилинади. У асосида бунёд этиладиган уй учун пудратчиларга кредитлар бир фоиз паст, яъни йиллик **15 фоиз** ставкада берилади.

### “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИ:

бугунги кунда ҳудудларда **38 та** массив қурилиши бошланган;

2024 йилда яна **17 та** массив бунёд этиш кўзда тутилган.

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

# Хитойлик делегация қабул қилинди



**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Давронжон Адилов Хитой Халқ Республикасининг “Huawei” компанияси Яқин Шарқ ва Марказий Осиё минтақаси бўйича корпоратив бўлими раҳбари Дерек Ҳао бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Учрашувда “Янги Тошкент” лойиҳасини амалга оширишда компаниянинг “Ақлли шаҳарлар” ва “Ақлли бинолар” қурилишида рақамли инфратузилмани яратиш борасидаги илғор ечимлари ва ушбу технологияларни амалиётда қўллаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг бугунги ҳолати ҳақида сўз борди. Таъкидлаш лозимки, бугун мазкур компания томонидан ақлли шаҳарни қуриш жараёнида энг илғор технологик ечим ва ишланмалар амалиётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, технологик хаб, R&D, сунъий интеллектга асосланган шаҳар бошқаруви, ҳудудни CCTV тизими билан 100% қамраб олиш имконияти, катта ҳажмдаги ахборотларни таҳлил қилиш, геоахборот кўринишида тасвирлаш, хавф ва таҳдидларни аниқлаш вазифасини бажарувчи замонавий ситуацион марказлар, 1PLC, Wi-Fi6, IPv6+, NBIoT, 5G, F5G тезкор интернет ва алоқа хизматлари асосидаги смарт уланиш, рақамли ва когнитив шаҳар шулар жумласидандир.

Тадбирда компания масъуллари “Ақлли шаҳарлар” ва “Ақлли бинолар” қурилиши учун зарур бўлган рақамли инфраструктурани яратишда вазирлик билан манфаатли ва муштарак алоқалар изчил давом этаётганлигидан мамнун эканликларини билдиришди.

▶ 2-бет

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№24 (777) 2024 йил 15 март

# БУ ЙИЛ ИҚТИСОДИЁТИМИЗДА ҲАЁТИЙ УЙҒОНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙИЛИ БЎЛАДИ

◀ 1-бет

Шунингдек, Сирдарё оқиб ўтадиган маҳаллаларда сунъий ҳавзалар қуриб, балиқ етиштиришни кўпайтириш, томорқаларга уя тарқатиб, асал экспортини йўлга қўйиш вазифалари кўрсатиб ўтилди.

Чорвасини кўпайтириш истагидаги оилаларга 400 гектар ер озуқа учун берилади. Оилавий тадбиркорлик дастури доирасида қорамол, қўй ва эчки олиш учун 33 миллион сўм имтиёзли кредит гаровсиз, нақд пулда берилади. Бу орқали тумандаги 1,5 минг хонадонга чорвани кўпайтириш учун шароит яратилади. Бундай маҳаллаларда сутни йиғиш шохобчалари ишга туширилади.

Хонадонларда кичик ишлаб чиқаришни ташкил қилишга кўмаклашиш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда туманда тадбиркорлик инфратузилмасини яхшилашга 60 миллиард сўм берилади. Бўш турган 21 та иншоотга инвесторлар жалб қилиниб, фойдаланишга киритилади. Фаровон маҳалласида 35 гектар майдонда кичик саноат зонаси ташкил қилиниб, камида 100 миллион долларлик саноат лойиҳалари бошланади.

Давлатимиз раҳбари Сайхунободда ўтган йили бирорта кўп қаватли уй қурилмаганига тўхталиб, бу бўйича мутасаддиларга кўрсатма берди.

Умуман, бу тизим орқали Сайхунободдаги ҳар бир маҳалла, ҳар бир кўча, ҳар бир хонадон қамраб олиниши таъкидланди. Мутасаддиларга ушбу янги тизимни республиканинг барча 9 минг 452 та маҳалласида йўлга қўйиш топширилди.

– Бу йил иқтисодиётимизда ҳаётий уйғониш ва юксалиш йили бўлади. Бунинг учун жойлардаги мутасаддилар фидойилик билан ишлаб, ҳаммани уйғотиши керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда ҳокимлар ва сектор раҳбарлари, иқтисодий комплекс вакиллари, маҳалла раисларининг ҳисобот ва таклифлари эшитилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Иттифоқ маҳалласидаги томорқа ва уй хўжаликларидаги омилкорлик билан танишди.

Мамлакатимизда долзарб масалалардан бири – бандлик. Иқтисодий ислоҳотлар ёки ҳудудий дастурлар бўлсин, барчасининг замирида иш ўринлари очиш, аҳоли ҳаётини яхшилаш мақсади мужассам.

Буларнинг натижасида сўнгги йилларда 2 миллион 400 минг аҳоли ўзини ўзи банд қилди. Қарийб 2 миллион одам камбағалликдан чиқарилди. "20 минг тадбиркор 500 минг малакали мутахассис" дастури доирасида 455 минг аҳолининг бандлигини таъминлаш бўйича шартномалар имзоланди. Маҳаллабай асосда 51 мингта микролойиҳа амалга оширилиб, 206 мингта янги иш ўрни яратилди. Ишсиз фуқаролар "Ишга марҳамат" мономарказларида замонавий касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитилмоқда.

Жорий йилги Давлат дастурида 5 миллион аҳолининг бандлигини таъминлаш белгиланган. Шундан 2 миллиондан зиёди қишлоқ хўжалиги ва томорқачилик соҳасига тўғри келади.

Шу йил 7 март куни давлат раҳбари ҳузурида ўтган йиғилишда маҳаллалардаги имкониятларни ишга солиб, оилаларга даромад манбаи яратиш тизими муҳокама қилинган эди. Бунда энг қулай ва ҳаммабоп имконият томорқадан фойдаланиш экани таъкидланди.

Президентимиз ҳар доим мамлакат миқёсидаги дастурларни, хайрли ишларни энг оғир туманлардан бошлаш кераклигини айтади. Бундан мақсад, аввало, ўша ердаги шароитни яхшилаб, одамларнинг оғирини енгил қилиш ҳамда, шунинг баробарида, бундай туманларда нималар қилиш мумкинлигини амалда кўрсатишдир.

Сайхунобод тумани ҳам ана шундай оғир ҳудудлардан бири. Маҳаллий бюджет харажатининг 60 фоизи юқори турувчи бюджетдан ҳал бўлаяпти. Сабаби тадбиркорлик ўсмаяпти. Туманда 2 минг 400 та ишсиз бор. Камбағаллик даражаси ҳам юртимиздаги ўртача кўрсаткичдан юқори.

Тумандаги Иттифоқ маҳалласида 6 минг 672 нафар аҳоли яшайди. Учта мактаб, учта болалар боғчаси, поликлиника, ўнлаб тадбиркорлик ва фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда. Лекин бу бандликни тўлиқ таъминлаш учун етарли эмас. Меҳнатга лаёқатли 100 киши ишсиз. Хорижда ишлаётганлар, ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳам бор. Ўтган йили аҳолини тадбиркорликка жалб этиш учун 140 та лойиҳага кредит берилган. 137 кишига деҳқончилик қилиш учун узоқ муддатга ер ажратилган.

Аслида, туман аҳолисига қўшимча ер ажратиш шарт эмас. Чунки Сайхунобод томорқалар 20 сотих атрофида бўлган 26 та тумандан бири. Шундан ҳам тўла фойдаланилмаяпти. Асосий экинлар беда билан макка бўлиб қолган.

Жумладан, Иттифоқ маҳалласида умумий томорқа майдони 185 гектар. Тумандан Сирдарё оқиб ўтгани учун сув ҳам яхши. Лекин сархил маҳсулотлар етиштириб, рўзғорга барака киритиш суст. Хусусан, Фарғона водийси вилоятларида 6 сотих томорқадан олинаётган даромад бу ердаги катта томорқалар маҳсулдорлигидан бир неча баробар кўп.

Шу боис Сайхунобод томорқа ва уй хўжаликларидаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш бўйича намунага айлантирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 мартда қабул қилинган "Аҳоли хонадонларида саноат усулида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва деҳқон хўжаликларида янги захираларни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"-ги қарорида катта имкониятлар белгиланди. Жумладан, 2024 йилда экспортбоп ва сердаромад экинлар экиш, аҳолининг бу соҳадаги билим ва кўникмаларини ошириш учун 54 та туманда намунавий ўқув-тажриба майдонлари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Шундай намунавий томорқалар Иттифоқ маҳалласида ҳам ташкил этилди. Давлатимиз раҳбари ушбу хонадонларни кириб кўрди.

Масалан, Рисолат Ғуломова хонадонининг 14 сотих томорқасида шу пайтгача сабзи, саримсоқ пиёз экилиб, ернинг ўттиз фоиз имкониятидан фойдаланилган.

Ҳокимлик ва мутасадди ташкилотлар кўмагида томорқага олма ва ток кўчатлари, уларнинг орасига турли кўкатлар экилди. Бунга қўшимча товуқ, қуён, асалари ва соғин сигир боқиш йўлга қўйилди.

Бугун юртимизда ёқилғисиз исийдиган иссиқхоналар барпо қилиш оммалашиб бораяпти. Давлатимиз раҳбари бу тажрибани маъқуллаб, уларни кўпайтириш, деҳқонларга тайёр ҳолда қуриб бериш зарурлигини айтган эди. Рисолат ая хонадонига ҳам икки сотихли иссиқхона қуриб берилди. Унга 30 туп лимон, қатор ораларида эса помидор ва қулупнай экилди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда томорқа эгалари, маҳалла фаоллари билан суҳбатлашди.

– Халқимиз ўз ҳаётида сезиши учун ҳамма ишларни маҳаллада ташкил қилаяпмиз. Энди давлат идораларининг бутун имкониятларини ҳар бир кўчага, хонадонга олиб кирамиз. Масалан, маҳаллага бириктирилган банк маблағ бериш билан бирга одамларнинг дунёқарашини ҳам ўзгартиради. Мақсадимиз халқнинг даромадини ошириш, бой қилиш. Албатта, осон бўлмайди. Бу машаққатли меҳнат, тинимсиз изланиш, янги-янги ғоялар дегани. Лекин бажарса бўлади. Мезон битта – иқтисодий комплекс халқнинг дарди билан яшайди, – деди Президент.

Маҳалла фаоллари аҳоли, умуман, сайхунободликлар томорқадан бундай кенг фойдаланишга катта қизиқиш билдираётганини айтишди. Мутасаддилар бу тажрибани кенгайтиришга, томорқа эгаларига кўмаклашиб, маҳаллаларни ишсизликдан холи қилишга ваъда берди.

Президент шу ерда оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб берди.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Сирдарё вилоятига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

◀ 1-бет

## Туркиялик мутахассислар билан учрашув

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти масъуллари Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (TIKA) нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Али Риза Тезжан билан учрашдилар.**



Унда TIKA томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар доирасида шаҳарсозлик нормалари ва стандартларини такомиллаштириш, Туркияда мутахассислар малакасини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ташкиллаштириш, жумладан, сейсмик мустаҳкамлик, энергия самарадор лойиҳалар ҳамда Туркия шаҳарсозлик норма ва қоидаларини Ўзбекистон нормалари билан уйғунлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

TIKA вакиллари томонидан мавжуд дастурлар юзасидан тадбир қатнашчиларига маълумот берилиб, келгусида ҳамкорликда мазкур лойиҳаларни бирга амалга ошириш бўйича ўзаро келишиб олинди.

## БСКлар фаолияти ўрганилди

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева аҳоли кайфияти, уларни қийнаётган муаммолар ва жойларда ўз фаолиятини кўрсатиб келаётган бошқарув ташкилотлари ишини ўрганиш учун пойтахтимизнинг Яшнобод туманида бўлди. Вазир ўринбосари аҳоли билан суҳбатлашиб, уларнинг соҳага доир муаммоларини қабул қилди.**

Хусусан, "LMM GRIN" ҳамда "Достон коммунал" БСКлар фаолияти ҳам кўздан кечирилиб, тегишли мутахассислар билан энг оптимал чоралар муҳокама қилинди.

– Бугун сизнинг фаолиятингизга ҳақиқий баҳони халқ беради, – деди вазир ўринбосари учрашувда. – Шунинг учун хизмат сифатини ошириш, уларнинг муаммолари билан ишлаш лозим. Биз ушбу рақобат муҳитига эришиш учун кўп ҳаракат қилдик. Энди сиз соҳада самарали меҳнат қилиш орқалигина ривожлана оласиз.

Муҳокамалар сўнгида маҳалла фаоллари иштирокида халқ фикри ўрганилиши ва муаммога фақатгина уларнинг қарори асосида ечим берилиши тушунтирилди.

## Аҳоли хавфсизлигига ҳар ким масъул

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида кўп квартирали уйлардаги мавжуд лифт ускуналарини бошқариш, фойдаланиш, эксплуатация масаласи ҳамда лифтларнинг хавфсиз ишлашини назорат қилиш масалалари юзасидан гибрид шаклдаги йиғилиш бўлиб ўтди.**



Унда вазир ўринбосари Озода Жўраева, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Козим Тўлаганов, Тоғ-кон геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Бахтиёр Ғуломов, бошқа мутахассислар, шунингдек, видеоконференс алоқа орқали Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда ҳудудий бошқармалар вакиллари иштирок этдилар.

Бугунги кунда республикадаги 4 313 та кўп квартирали уйда 11 414 та лифт ускунаси мавжуд бўлиб, уларни сақлаш, фойдаланишга қабул қилиш, эксплуатация қилиш бир қатор меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Йиғилишда кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналаридан фойдаланиш тартибларини назорат қилиш масалалари ва унда учраётган қатор камчиликлар муҳокама қилинди. Хусусан, жами лифт ускуналарининг 1 001 тасининг паспорти мавжуд эмаслиги, 1 228 тасига мувофиқлик сертификати олинмагани, 2 015 таси тегишли тартибда бир йилда бир марталик техник кўрикдан ўтказилмагани, 2 124 та лифт бугунги кунда яроқсиз ҳолатга келгани қайд этилди. Шунингдек, кўп квартирали уйлардаги мавжуд лифтларнинг техник ва эксплуатация ҳолати талаб даражасида эмаслиги, янги фойдаланишга қабул қилинаётган уйлардаги лифт ускуналари Тоғ-кон геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекциясидан рўйхатдан ўтказилмасдан фойдаланиб келинаётганлиги танқид қилинди.

Йиғилиш иштирокчилари мавжуд муаммоларни олдини олиш чора-тадбирлари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Хусусан, инспекцияларда назорат тадбирларини амалга оширувчи малакали ишчи-ходимлар сонини кўпайтириш, замонавий талаблар асосида мазкур соҳага доир қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, кўп квартирали уйларнинг лифт ускуналарига хизмат кўрсатувчи мутахассислар малакасини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

## "Ягона буюртмачи хизмати" ДУК – БУНЁДКОРЛИККА ҲИССА ҚЎШМОҚДА

**Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Сирдарё вилоятида "Ягона буюртмачи хизмати" ДУК буюртмачилигида кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йил давомида 318 та лойиҳага 367,8 млрд сўм маблағ ажратилган бўлиб, 323,5 млрд сўмга капитал қўйилма ўзлаштирилган. Шунингдек, 301,8 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган.**

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги "2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан 11 та ижтимоий соҳа объектида 84 млрд сўмлик капитал қўйилма, 80,3 млрд сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 10 та объект фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 16 июндаги 49-сонли Раёсат мажлиси баёнига асосан 5 та қўшимча объектда 4,1 млрд сўм миқдоридаги капитал қўйилма ва 3,8 млрд сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган. 2 та объектда ишлар якунланиб, 3 та объект 2024 йилга ўтувчи этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-408-сонли қарорига асосан, 35 та объектда қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш режалаштирилган. Бугунги кунда объектларда 8,7 млрд сўмлик капитал қўйилма ва 8,5 млрд сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган. Мазкур ишларнинг ҳажми тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилган ҳамда қўшимча иккита объект келгуси йилга ўтувчи ҳисобланади.

Шунингдек, Халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашининг 2023 йил 27 июлдаги VI-52-104-9-0-К/23-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2023 йил 21 августдаги мажлиси 71-сонли баёни ҳамда Халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашининг 2023 йил 29 сентябрдаги VI-54-138-9-0-К/23-сон қарорига асосан, Боёвут, Мирзаобод ва Ховос туманларида мавжуд 15 та суғориш тизимида 2023-2024 йилларда реконструкция ишларини олиб бориш учун 35 млрд сўм маблағ ажратилган. Бугунги кунда 28,6 млрд сўм миқдоридаги капитал қўйилма ўзлаштирилиб, 26,4 млрд сўм маблағ эвазига ирригация ишлари бажарилган.

Иккинчи мавсумда 28 та лойиҳа бўйича 3,3 млрд сўмлик капитал қўйилма ўзлаштирилиб, 2,7 млрд сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган. 5 та лойиҳада ишлар тўлиқ якунланиб, 23 та объект йилдан-йилга ўтувчи этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2023 йил 11 сентябрь ва 20 ноябрдаги мажлислари 83-, 108-сонли баёнлари асосида 2024 йилда 29 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш режалаштирилган.

Бугунги кунда 20 та лойиҳа-смета ҳужжати ишлаб чиқилган ва 18 та ижобий хулоса олинган. Шундан, 17 та умумтаълим мактабидан 8 таси, 4 та мактабгача таълим ташкилотидан 4 таси, 3 та соғлиқни сақлаш объектидан 2 таси (1 таси 2023 йилдан йилга ўтувчи), 1 та бошқа йўналишдаги объект ва 2 та спорт объектига лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ижобий хулосалар олинган. Булардан ташқари, 9 та умумтаълим мактабига бирламчи лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда. Иккита бошқа йўналишдаги объектга ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига экспертиза хулосаси олиш учун мурожаат қилинган.

Бир сўз билан айтганда, "Ягона буюртмачи хизмати" ДУК вилоят бунёдкорлик соҳасига катта ҳисса қўшиш орқали ҳудуднинг янада кўркам ва обод ҳудудга айланишида жонбозлик кўрсатмоқда.

## IT парк фойдаланишга топширилди

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Кейинги йилларда IT соҳаси мамлакатимизда жадаллик билан ривожланаётган муҳим тармоқлардан бирига айланди.**



Бу борада Президентимизнинг соҳани ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш баёнига кўра, ҳар бир туман (шаҳар) ҳокимликларига замонавий компьютер технологиялари ҳамда IT йўналишида камида 100 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш топшириғи берилган эди.

Шу асосда дастлаб мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб вилоят марказларида замонавий талабларга тўла жавоб бера оладиган IT-парклар фойдаланишга топширилмоқда. Хусусан, Навоий шаҳрида ҳам "Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки" маркази ишга тушди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокимлиги вакиллари, тегишли соҳа масъуллари, ёшлар ва нуронийлар иштирок этишди.

Мазкур марказда ҳозирги вақтда лойиҳани амалга ошириш ишлари якунига етказилиб, 3 қаватли IT-парк биносида ўқув хоналари, коворкинг ҳудуди, компаниялар билан музокаралар ўтказишга мўлжалланган зал, киберспорт хонаси, IT-резидентлар учун офис хоналари ташкил этилган.

## Етти туманда марказ биноси ишга тушди

**Сурхондарё вилоятининг Термиз, Жарқўрғон, Бандихон, Қумқўрғон, Олтинсой, Музработ, Бойсун туманларида "Инсон" ижтимоий хизматлар марказининг янги ва тубдан таъмирланган бинолари фойдаланишга топширилди.**

Энг қадимий, гўзал байрамимиз – Наврўз арафасида фойдаланишга топширилган иншоотларда яратилган шароитлар эҳтиёжманд ва кўмакка муҳтож аҳолининг ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқларини сифатли таъминлашга ҳисса қўшади.

Олтинсой туманидаги "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази учун икки қаватли бинода барча қулайлик яратилган. Мавжуд 15 та хона замонавий усулда жиҳозланган. Янги мебель ва компьютер жамланмалари, мобиль ва интернет алоқаси билан таъминланган. Бойсун туманидаги марказ биносида ҳам ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун етарли шароит мавжуд. Термиз, Жарқўрғон, Бандихон, Қумқўрғон, Музработ туманлари "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларида яратилган қулайликлар мамлакатимизда инсон қадри улуғланаётганини кенг намоён этган, деб хабар қилади ЎзА мухбири Х. Маматрайимов.

Биноларнинг тантанали очилиш маросимларида туманлар ҳокимлари, сектор раҳбарлари, нуронийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

# Бинолар нега бузиб ташланди?


**Муҳаммаджон ҲАМДАМОВ,**
Кадастр агентлиги Андижон вилояти бошқармаси бош мутахассиси.


**Маълумки, республикамизда ер мулкига эгалик қилишнинг бир қатор тартиб-тамойиллари ишлаб чиқилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 8 июнь куни "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда умуммиллий бойлик бўлган ерни ҳимоялаш, ер муносабатларини қонуний тартибга солиш меъёрлари белгиланган.**



Хусусан, Фармоннинг 10-бандида Кадастр агентлигига барча турдаги ер участкалари ҳамда бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатларини аниқлаш, ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишига ва чегараларини ўзбошимчалик билан ўзгартиришга йўл қўймаслик чораларини кўриш, ердан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назорати амалга ошириш, ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонини қайтариш ва ёки унда ноқонуний қурилган иморатларни бузиш юзасидан тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Кадастр агентлиги Андижон вилояти бошқармаси томонидан фармон ижросини таъминлаш юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг шу даврига қадар 375 та ҳолатда 11,2 гектар ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани аниқланди.

Мисол учун, Андижон шаҳри Мустақиллик маҳалласи, Мусаев номли кўчада бўш турган ер майдони шу ҳудудда фаолият юритиб келаётган тадбиркорлик субъекти томонидан (суриштирув ишлари олиб борилаётгани сабабли исм-шарифлар ва номлар келтирилмаяпти) ўзбошимчалик билан ўзлаштирилиб, ноқонуний қурилиш ишлари амалга оширгани аниқланди. Худди шунингдек, Андижон шаҳри Обод маҳалласида яшовчи фуқаро шу ҳудуддаги 82 квадрат метр ер майдонини ҳеч қандай ҳуқуқий ҳужжатларсиз, ноқонуний равишда эгаллаб олган. Бу каби ҳолат Бўстон туманида ҳам кузатилган. Дўстлик маҳалласида яшовчи фуқаро ўзига тегишли ер майдонига туташ бўлган 100 квадрат метрдан иборат ерни амалдаги тартибларга бўйсунмаган ҳолда ўзлаштириб олгани қайд этилди.

Барча ҳолатларда қурилиш ишлари амалга оширилиб, бинолар қад ростлаган. Афсуски, қонунбузарларга нисбатан амалдаги тартиб доирасида чора кўриш керак бўлади. Шу ўринда ноқонуний хатти-ҳаракатлар юзасидан олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида ўзлаштирилган ер майдонининг 73 фоизи фуқароларнинг ўз ихтиёри билан қайтарилиб, салбий ҳолатлар бартараф этилганини айтиш жоиз.

# Шофирконда БСКлар фаолияти кенгаймоқда


**Учқун ТОЖИЕВ,** журналист.


**Юртимизнинг бошқа ҳудудлари каби Шофиркон туманида ҳам кўп қаватли уйларга коммунал хизмат кўрсатиш фаолияти кенгаймоқда. Хусусан, ҳудуддаги 48 та кўп қаватли уйдаги 502 та хонадонга бугунги кунда сифатли хизмат кўрсатиб келинмоқда. Ушбу кўп қаватли уйларнинг 24 таси "Фарҳод Фаррух омад" МЧЖ бошқарув сервис компанияси тасарруфида бўлиб, аҳоли унинг хизматидан мамнун.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги "Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори мазкур бошқарув сервис компанияси фаолияти учун ҳам дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Хусусан, жорий йилнинг шу кунига қадар ҳудуддаги кўп қаватли уйларда белгиланган дастур асосида "Қалмақон" МФЙ, "Шодлик" МФЙ, Ҳамид Олимжон кўчасидаги 12-уй, Нодирабегим кўчасидаги 1-уйнинг 1,5 минг метр квадрат том қисми ҳамда электр тармоқлари таъмирланди ҳамда янги электр шитлар ўрнатилди. Шунингдек, Хўжа Ориф номли МФЙ ҳамда Шофиркон шоҳкўчасидаги ўнга яқин кўп қаватли турар жойларнинг фасад қисмлари ва кириш йўлаклари таъмирланиб, 3 та уйнинг ички йўлаклари бетон қоришмаси билан қопланди, ички йўлаклар атрофида ўнга яқин тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди.

Бундан ташқари, Мирзоқул номли маҳаллада жойлашган 2-, 3- ва 7-сон кўп қаватли уйларнинг ертўла қисмида ичимлик суви захирасини яратиш мақсадида сув сақлаш сиғимлари ўрнатилди. Тумандаги барча кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган аҳолининг хонадонларда электр энергиясидан хавфсиз фойдаланиши учун туман электр таъминоти идораси билан ҳамкорликда мавжуд камчиликлар бартараф қилинмоқда. Шу билан бирга, ўтган ойлар давомида ушбу компания жамоаси томонидан "Зарчабек" маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўп қаватли уйларга тегишли 3 та болалар ўйин майдончаси мукаммал ва жорий таъмирланди. Ҳудуддаги 24 та кўп хонадонли уйнинг кўча қисмига 56 дона ўриндиқ ҳамда 12 та қуёш панелли тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди.

Бу каби ободонлаштириш ишлари "Қалмақон" МФЙдаги кўп қаватли уйларда ҳам ўз аксини топмоқда. Хусусан, бу ерда аҳолининг талаб ва мурожаатлари асосида тоза ичимлик суви тармоғи таъмирдан чиқарилиб, хонадонлардаги таъминот барқарорлашди. Жараёнда ҳудуддаги барча кўп қаватли уйларнинг ертўла қисми ҳам санитария-гигиена тартиб ва қоидаларига мос ҳолга келтирилмоқда.

Айни пайтда кўп қаватли турар жойларда янги тизим асосида фаолиятини йўлга қўйган БСКларга аъзо бўлмаган 24 та кўп хонадонли уй-жойларда яшовчи аҳоли орасида туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими билан ҳамкорликда тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Келгусида улар ҳам бошқарув компанияси хизматларидан самарали фойдаланиб, янада обод ва кўркам ҳудудга айланишидан умид қиламиз.

## ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

# "Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖ

## очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

**"Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖнинг 2024 йил 12 мартдаги 192-сонли буюртманомасига асосан "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖ ҳудудида жойлашган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:**

| № | Савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|
| 1. | Ён дарвоза 6-сонли, умумий майдони 33,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 175 684 575 |
| 2. | Ён дарвоза 7-сонли, умумий майдони 31,40 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 167 166 535 |
| 3. | Ён дарвоза 9-сонли, умумий майдони 10,80 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 57 496 770 |
| 4. | Марказий дарвоза 1/Б-сонли, умумий майдони 9,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 43 640 649 |
| 5. | Марказий дарвоза 2/Б-сонли, умумий майдони 11,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 53 338 571 |
| 6. | Марказий дарвоза 3/Б-сонли, умумий майдони 9,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 43 640 649 |
| 7. | Марказий дарвоза 1/2-1-сонли, умумий майдони 7,50 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 36 367 208 |
| 8. | Марказий дарвоза 1/3-1-сонли, умумий майдони 7,50 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 36 367 208 |
| 9. | Марказий дарвоза 1/4-сонли, умумий майдони 11,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 53 338 571 |
| 10. | К-1/1 сонли, умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 11. | К-1/1А сонли, умумий майдони 6.00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 28 059 648 |
| 12. | К-1/2 сонли, умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 13. | К-1/3 сонли, умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 14. | К-1/4 сонли, умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 15. | К-1/5 сонли, умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 16. | К-1/6А сонли, умумий майдони 2,3 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 10 756 198 |
| 17. | К-2/1 сонли, умумий майдони 12,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 56 119 296 |
| 18. | К-2/2 сонли, умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 19. | К-2/3 сонли, умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 20. | К-2/4 сонли, умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 21. | К-2/5 сонли, умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 22. | К-2/6 сонли, умумий майдони 19,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 800 000 |
| 23. | К-3/1 сонли, умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 88 855 552 |
| 24. | К-3/1А сонли, умумий майдони 6,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 28 059 648 |
| 25. | К-3/2 сонли, умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 26. | К-3/3 сонли, умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 27. | К-3/4 сонли, умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 28. | К-3/5 сонли, умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |
| 29. | К-3/6 сонли, умумий майдони 13,00 $м^2$ бўлган савдо шохобчаси | 60 795 900 |

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Таклифларни қабул қилиш охирги муддати:** 2024 йил 12 апрель куни соат 16.00 гача.

**Талабгорларнинг таклифлари 2024 йил 16 апрель куни соат 11.00 дан** бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2024 йил 30 апрель, 15, 26 май, 12, 26 июнь, 10, 24 июль, 7, 21 август, 4, 18 сентябрь, 2, 17, 31 октябрь, 14, 28 ноябрь, 12, 26 декабрь кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этишади:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

**жисмоний шахслар** – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

**Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида "Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт:** 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ "Davr-bank" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Телефон:** 71-237-23-82.

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## 2024 йил март ойининг 15-20 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги котибият етакчи мутахассиси **Нигора Абдугафарова,** котибият мудири (вазир ёрдамчиси) **Миршод Бурҳонов,** ҳайдовчи **Фасихиддин Далиев,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси девонхона бош мутахассиси **Ҳабиба Абдужапарова,**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти бухгалтерия бош мутахассиси **Феруза Рихсиева,** норматив ҳужжатларни тизимлаштириш ва атамалар бўлими мутахассиси **Дониёр Жўраев,** фаррош **Дилноза Убайдуллаева,**

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" Давлат муассасаси бош мутахассиси **Анвар Бабаев,** "Хоразм" филиали муҳандислари **Элёрбек Ҳанов, Шерзод Юсупов,**

"O'zog'irsanoatloyiha" АЖ қоровули **Шоюсуп Шамуратов,**

"Ташгипрогор" АЖ биринчи бўлим бошлиғи **Давронбек Каримов,**

"O'zshaharsozlik LITI" ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси бошлиғи **Азиз Каримов,** Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 3-устахона лойиҳа бош муҳандиси **Равшан Юлдашбеков,** Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 4-устахона архитекторлари **Вакил Галаутдинов, Шаҳло Набиева,**

Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи - туман бош архитектори **Аҳмаджон Ражапов,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасининг хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи бўлими етакчи мутахассиси **Фаррух Қиличов,** ҳайдовчи **Равшан Раҳматуллаев,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси юридик бўлими бош юрисконсульти **Дилфуза Рамазонова,**

Жиззах вилояти Жиззах шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Олим Ўринбаев,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларни техник ҳолатини ўрганиш бўлими етакчи мутахассиси **Собир Акрамов,**

Навоий вилояти Навбаҳор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Бунёд Жўрақулов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ҳайдовчиси **Фурқат Исмаилов,** фаррош **Гулсара Мийлева,**

Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси юрисконсульти **Шавкат Шаропов,**

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош мутахассиси **Зумрадхон Мамурова,**

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош мутахассиси **Мансурбек Айтбоев,** Хива шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Одамбой Қутлимуратов,**

Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги "Paxtakor Ta'mirlash Xizmat" МЧЖ БСК бош директори **Ойбек Сафаров,**

Навоий вилояти Навоий шаҳридаги "Navoiy Professional Plyus" МЧЖ БСК бош директори **Ҳусниддин Бобоев,** "Xumo Zilola Barxayot Profisional" МЧЖ БСК бош директори **Жаҳонгир Кодиров,** Учқудуқ туманидаги "Uchquduq Gulnoz Gold 2022" МЧЖ БСК бош директори **Искандар Худойбердиев,**

Наманган вилояти Косонсой туманидаги "Buyuk Kelejak Kompaniyasi" МЧЖ БСК бош директори **Абдуламин Бозоров,**

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги "Қумқўрғон коммунал сервис" МЧЖ БСК бош директори **Абдумалик Ибодов,**

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги "Омад Мурувват" МЧЖ БСК бош директори **Гулсара Шакирова,** Сардоба туманидаги "Дўстлик уй-жой коммунал хизмат" МЧЖ БСК бош директори **Рўзиали Гужибоев,**

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги "Чирчиқ тезкор хизмат" МЧЖ БСК бош директори **Мирожиддин Тўхтаматов,**

Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги "Обод Тарона" МЧЖ БСК бош директори **Ҳусниддин Маҳмудов,** Марғилон шаҳридаги "Мар Обод Зеро Мах" МЧЖ БСК бош директори **Барно Солиева,**

Хоразм вилояти Шовот туманидаги "2-сон НХМ ПБК" МЧЖ бош директори **Неъмат Худайберганов,**

Тошкент шаҳар, Бектемир туманидаги "Poytaxt Grand Stroy" МЧЖ БСК бош директори **Ҳабиб Бўриев,** Шайхонтоҳур туманидаги "Гулзор Миравзал Бизнес" МЧЖ БСК бош директори **Миравзал Азизов,** Учтепа туманидаги "Comfort Uyim" МЧЖ БСК бош директори **Ҳабибулла Нигманов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

# "Respublika mulk markazi" МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ электрон-онлайн аукцион савдоларига таклиф этади!

**Очиқ электрон-онлайн аукцион савдоларига "Ўзбектелеком" АКнинг 2024 йил 23 январдаги 53-02-05/117-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Паркент тумани, "Навбаҳор" агрофирмаси ҳудуди манзилида сақланаётган жами 3066 дона қўй-қўзиларнинг такрорий аукцион савдоларини ҳар 15 (ўн беш) кунда 10 фоиздан бошланғич баҳоси тушиб бориш тартибида қўйилмоқда:**

1. Жами вазни 25 048 кг бўлган боқувдаги 519 дона қўй, **жами бошланғич баҳоси ҚҚС билан бирга** – 1 252 026 982,58 сўм.

2. Жами вазни 2 730 кг бўлган 30 дона наслдор қўчқор, **жами бошланғич баҳоси ҚҚС билан бирга** – 42 439 183,43 сўм.

3. Жами вазни 36 883 кг бўлган 1001 дона она қўй, **жами бошланғич баҳоси ҚҚС билан бирга** – 701 399 792,89 сўм.

4. Жами вазни 5 785 кг бўлган 2021 йилги 202 дона урғочи қўй, **жами бошланғич баҳоси ҚҚС билан бирга –** 210 293 269,97 сўм.

5. Жами вазни 10 924 кг бўлган 2020 йилги 284 дона урғочи қўй, **жами бошланғич баҳоси ҚҚС билан бирга –** 319 362 947,87 сўм.

6. Жами вазни 7 817 кг бўлган 2022 йилги 437 дона урғочи қўй, **жами бошланғич баҳоси ҚҚС билан бирга –** 348 800 304,39 сўм.

7. Жами вазни 5 098 кг бўлган 2021 йилги 174 дона эркак қўй, **жами бошланғич баҳоси ҚҚС билан бирга –** 248 518 865,89 сўм.

8. Жами вазни 7 773 кг бўлган 2022 йилги 419 дона эркак қўй, **жами бошланғич баҳоси ҚҚС билан бирга –** 307 588 431,44 сўм.

**Очиқ электрон-онлайн такрорий аукцион савдо 2024 йил 29 март куни соат 9.00 дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2024 йил 28 март куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги жами 3066 дона қўй-қўзилар 2024 йил 29 март куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар ҳар 15 (ўн беш) кунда 10 фоиздан бошланғич баҳоси тушиб бориш тартибида очиқ электрон-онлайн аукцион савдоларида соат 9.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир кун олдин соат 18.00 гача. "Ўзбектелеком" АКнинг 2024 йил 26 февралдаги 53-01-22/314-сонли хатига асосан ушбу 8 та ЛОТдан иборат бўлган жами 3066 дона қўй-қўзилар 1 та ЛОТ сифатида **бошланғич баҳоси** – 3 430 429 778,47 сўмда сотилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганi ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Respublika mulk markazi" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 6005 7145 2006 ХАТБ "Давр-банк" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

**Электрон онлайн платформа:** https://online-auksion.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# Янги кўприк одамлар узоғини яқин, оғирини енгил қилади





**Азалдан йўл солган, кўприк қурган, сув келтирган элда азиз саналган. Бу борада олис Олот туманида ҳам амалга оширилаётган ишлар кўлами кейинги йилларда кенгаймоқда. Авваллари таъмирталаб ва ўтиш хатарли бўлган кўприкдан қариялар, аёллар ва болалар ўз юмушлари билан бозор-ўчарга, мактаб ёки боғчага қатнаган бўлса, носоз кўприкдан автомашинада ўтиб-қайтиш ҳам жуда катта таваккалчилик ва хавфли иш эди. Муҳими, бугунга келиб шу каби абгор аҳволдаги қатор кўприклар қайта таъмирланиб, манзили сари ошиққан юртдошларимиз учун қулай шарт-шароит ҳозирланмоқда. Зеро, одамлар узоғини яқин, мушкулини осон қилишдан ортиқ хайрли ва савоб иш борми дунёда?!**

Чекка туманнинг "Шайхлар" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ҳам кейинги йилларда бузуқ ва носоз кўприк туфайли ташвишга тушиб қолишган эди. Кўп йилдирки, ҳудуддан ўтган зовур устидаги кўприк аллақачон яроқсиз ва омонат кўринишга келганди. Ниҳоят, жорий йилнинг дастлабки ойидан мазкур кўприк вилоят ва туман йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхоналари томонидан қайта таъмирланадиган бўлди. Бу кўприк қайта қурилишига ўндан ортиқ махсус техника ва элликка яқин ишчи-мутахассис жалб қилингани иш кўламидан далолат, албатта. Асосийси, янги ва мустаҳкам кўприк маҳаллий 3 мингдан ортиқ аҳоли талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда узунлиги 30 метр, эни эса 6 метр ҳажм ва ўлчамда, замонавий кўринишда қад ростламоқда.

– Янги кўприк аҳолига қулайлик яратиши билан бирга, автомобиль қатнови масофасининг қисқариши ҳисобига маълум вақт ва маблағни тежаш имконини беради, – деди маҳалла фаолларидан бири Сайёра Маҳмудова. – Муҳими, энди бу йўл ва кўприкдан маҳалладошлар эмин-эркин ва ортиқча хавотирсиз ўз манзилларига бориб-келиши мумкин. Туман тиббиёт бирлашмасига ҳам шу йўлдан қатнаймиз. Бизга шундай имкониятни яратиб берган барча раҳбарларимизга, йўлчиларимизга раҳмат!

Гап кўприк қурилиши ва реконструкцияси хусусида кетганда, ўтган ойда Қиртай маҳалласида пудратчи корхона "Ромитан ФУК" масъулияти чекланган жамияти томонидан умумий қиймати 1 миллиард 940 миллион сўмга тенг бўлган яна бир лойиҳа – "4К-199" русумли, "Қоракўл темир йўл станцияси – Олот шағал кони – 4Р-78 автойўли" автомобиль йўлининг 3-километр қисмидаги кўприкни мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилганини ҳам эътироф этиш жоиз. Бу манзилдаги ишларни сифатли амалга оширишда пудратчи томоннинг махсус техника ва механизмларига эга йигирмага яқин ишчи-мутахассисининг алоҳида жонбозлиги бор.

Умуман, олис туманда маҳалла ички йўлларининг сифатини яхшилаш ҳамда аҳоли ва транспорт воситалари ҳаракатланиши учун қулайликлар яратиш мақсадида таъмирлаш ва шағал қопламаси ётқизиш ишлари изчил давом этмоқда. Аҳоли ташвиш ва мурожаатларига ечим топиш мақсадида туманнинг Эски Олот маҳалласида ҳам ички йўлнинг 2 километр қисмини шағаллаштириш ишлари ниҳоясига етмоқда. Худди шундай, Човдир ҳамда Мухтор маҳаллалари фуқароларининг якдил ва ҳамжиҳатлиги туфайли 10 километрдан ортиқ ички йўл қисмини таъмирлаш ишларига етарлича махсус техника ва ишчи кучи жалб қилинган.

Албатта, чекка ҳудудда ҳам аҳоли ташаббуслари маҳалла ободлиги, турмуш фаровонлигига замин яратмоқда. Дарвоқе, вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, бу борада ишчи гуруҳлар ўрганишларидан келиб чиқиб тумандаги барча маҳаллаларнинг умумий ҳисобда 36 километрдан ошиқ таъмирга муҳтож ички йўл қисмини босқичма-босқич таъмирлаш, шағаллаштириш ишлари аллақачон бошланган.

Юртимизда айни яратиш, яшнатиш, ободлик фасли ҳукм сураётган бир паллада янгидан янги бунёдкорлик намуналарининг барпо этилаётгани ҳам қувончли, албатта. Демак, юртдошларимиз турмушидан рози, фаровон ҳаёт сари кўтаринки кайфиятда илдам одимламоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

# ОБОДЛИККА ЭЛТУВЧИ ТАШАББУСЛАР

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** "O‘zbekiston bunyodkori"мухбири.

**Мамлакатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида аҳолига муносиб шароитларни яратиб бериш, овул ва маҳаллаларни кўркам манзилларга айлантириш, сув ҳамда электр таъминотида замонавий лойиҳаларни татбиқ этиш, шунингдек, ижтимоий инфратузилма доирасида боғча, мактаб, тиббиёт пунктларини қуриш ва таъмирлаш ишларини жадал ривожлантириш каби долзарб масалалар илгари сурилганди.**

Мазкур ҳаракатлар туфайли ҳудудлардаги 452 та маҳалланинг ҳар бирига тўғридан-тўғри 500 миллион сўмдан қўшимча маблағ йўналтирилди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллаларини қўллаб-қувватлаш учун алоҳида жамғарма ташкил қилиниб, унга ўтган йили 250 миллиард сўм маблағ ажратилди. Табиий шароити нисбатан анча оғир бўлган Оролбўйи минтақасига давлат даражасида эътибор кучайтирилиши натижасида салкам бир йил оралиғида ушбу маблағ ҳисобидан Нукус шаҳри, Мўйноқ, Шуманай, Тахтакўпир, Беруний, Амударё, Тўрткўл туманларидаги овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларида бир қатор ишларни амалга оширишди. Хусусан, йўлларга қум-шағал ётқизилиб, пиёдалар учун алоҳида йўлаклар ташкил этилди. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида эскирган симёғочлар ўрнига бетон симёғочлар ўрнатилиб, ўз муддатини ўтаб бўлган трансформаторлар янгисига алмаштирилди. Аҳолини қийнаб келган асосий муаммолардан бири – ичимлик суви таъминоти бўйича тармоққа янги лойиҳалар қўллангач, минглаб хонадон аҳли тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлишмоқда.

Бундан ташқари, Беруний, Тўрткўл ва Мўйноқ туманларидаги ўндан ортиқ маҳаллада болалар боғчаси, мактаб, саломатлик масканлари қурилиб, таъмирталаблари қайта реконструкция қилинди. Тажриба тариқасида энг чекка ҳудудда жойлашган айрим маҳалла фуқаролар йиғини биноларига қуёш панеллари ўрнатилди.

Бу сингари тадбирлар Амударё туманида ҳам кенг қўлланилаётганидан ҳудуд аҳолиси мамнун бўлмоқда. Жумладан, энг кўп аҳоли яшайдиган "Гулзор" маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўчалар бугунги кунда тартибга келтирилиб, оқава ва ичимлик суви тармоқлари тортилди. Маҳалла маъмурий биносига қуёш панели ҳамда кўчаларга видеокузатув камералари ўрнатилиб, аҳоли учун қулай шароитлар яратиб берилди.

– Огаҳий номидаги кўчада яшайман, – деди етмиш ёшни қаршилаётган Жумабой Дўсчанов. – Маҳалламиз қаровсиз ҳолга келиб қолганига эллик йилдан ошганди. Яқинда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилгач, маҳалламиз пойтахт маҳаллаларидан қолишмайдиган даражада ўзгарди. Бу сингари эътибордан қувонмай бўладими? Барча кўчаларда тунги ёритгичлар ўрнатилиб, пиёдалар учун алоҳида йўлакча, болалар боғчаси ва мактабда қўшимча синфхоналар қуриб берилди. Бундан ташқари, ихчам савдо тармоқлари, аҳолига хизмат кўрсатувчи бошқа турдаги мажмуалар ҳам бунёд этилгани натижасида одамлар рўзғорга зарур нарсалар учун энди узоққа бориб юрмайдиган бўлишди.

Маълумот учун, давлат раҳбари илгари сурган ташаббус доирасидаги ободонлаштириш ҳамда бунёдкорлик ишлари жорий йилда ҳам тизимли равишда давом этмоқда.

# САЙЁҲЛАР ОҚИМИ КЎПАЙМОҚДА

**Кўҳна ва боқий Бухоронинг бой маданий, тарихий мероси, ўз бағрида бир неча асрлик тарих сир-синоатини сақлаб келаётган маҳобатли ёдгорликлари, зиёратгоҳлари барчани ўзига бирдек чорлаб келади.**



Юртимизга ташриф буюрадиган хорижий меҳмонлар, сайёҳлар, мутахассислар шариф шаҳарнинг маданий мерос объектлари ҳақида ўзгача таассурот билан қайтишади, ҳайрату ҳаваслари ортади.

Бухоро вилоятидаги Етти Пир зиёратгоҳлари, бошқа тарихий обидалар сайёҳлар билан ҳамиша гавжум. Бу ерда нафақат ички туризм доирасида келган, балки хорижий меҳмонларни ҳам кўп учратиш мумкин.

– Италиядан келдик, – деди италиялик сайёҳ Кетрин ЎзА мухбири Зариф Комиловга мамнуният билан. – Бу Бухорога биринчи саёҳатимиз. Ажойиб жой экан. Ҳар бир йўналиш ўзига хос: ҳам одамлари, ҳам таомлари, ҳам қадимий объектлари. Гид-экскурсоводимизга раҳмат, Бухоро ҳақидаги ҳар бир деталга тўхталмоқда. Мен Бухорога яна келишни хоҳлайман.

Бухоронинг туристик имкониятини янада ривожлантириш, сайёҳларнинг маданий меросимиз билан кенг танишиши учун қулай шароитларни яратиш ҳамда замонавий инфратузилманинг жадал ривожланишини таъминлаш мақсадида янги меҳмонхоналар, маданий-соғломлаштириш ва савдо-кўнгилочар марказлари, сайёҳликни ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиш билан боғлиқ инфратузилма объектлари қурилмоқда. Шунингдек, умумий овқатланиш тизимини такомиллаштириш ва сайёҳларнинг кечки ҳордиқлари учун шароитлар яратилмоқда. Транспорт хизматини яхшилаш, авиа ва темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, Бухоро шаҳрининг тарихий қисми атрофида хизмат кўрсатувчи махсус компания яратиш, саёҳатчиларга намойиш қилинадиган объектларга олиб борувчи автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Валюта айирбошлаш пунктлари ташкил этилиб, сайёҳлик объектларида банкоматлар ва терминаллар ўрнатиш, совғалар ва сувенирлар дўконлари жойлашадиган янги савдо кўчалари яратилмоқда. Сайёҳлар тўпланадиган гавжум жойлар WiFi тармоғи билан таъминланмоқда. Бухоро бренди реклама кампанияси ва турли фестиваллар ўтказиш ҳисобига илгари сурилиб, сайёҳлик соҳаси учун кадрлар тайёрланмоқда. Янги сайёҳлик йўналишлари ҳам яратилмоқда.

Шу кунларда ҳам шариф шаҳарга Ҳиндистон, Хитой, Буюк Британия, Малайзия, Индонезия, Италия, Россия ва бошқа бир қатор давлатлардан меҳмонлар ташриф буюрмоқда.

Хорижлик сайёҳларнинг 58 фоизи МДҲ давлатларидан, 20 фоизи Европа давлатларидан, 19 фоизи Осиёдан, 4 фоизи эса Америка ва бошқа давлатлардандир.



Жорий йил охирига қадар қадимий ва ҳамиша навқирон Бухорога 1 миллион 500 минг нафардан ортиқ хорижий ва 3,4 миллиондан ортиқ маҳаллий сайёҳ ташриф буюриши кутилмоқда. Тадқиқотларга кўра, туристларнинг Бухорода қолиш муддати ўртача 3-4 кун. Чет эллик меҳмонларнинг ўртача харажатлари 250 АҚШ доллари, маҳаллий сайёҳларники 200 минг сўмни ташкил этади.

Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2021 йилда Бухорога 48,9 минг хорижий сайёҳ ташриф буюрган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 552,6 минг нафарга етди. Жорий йилнинг 2 ойи давомида қадимий Бухорога келган хорижлик меҳмонлар сони 128 мингдан ортиқни нафарни ташкил этди.

Давлат раҳбарининг топшириғига асосан, Индонезия, Малайзия, Сингапур давлатларидан туристлар сонини ошириш мақсадида Бухоро вилоятининг туризм имкониятини тарғиб қилиш вазифаси юклатилган. Унга кўра, 2023 йилда Бухоро вилояти раҳбарияти бошчилигидаги делегация аъзолари Индонезияда бўлиб қайтишди.

Мазкур ташриф натижаси сифатида бугун Бухорода индонезиялик ва малайзиялик сайёҳлар оқими кўпайганини кузатиш мумкин. Бу бухоролик ҳамда индонезиялик турлидерларнинг ҳамкорлиги самарасидир. Бухорода бўлиб турган малайзиялик сайёҳлардан бири шундай дейди:

– Ёшим ўтганига қарамай, саёҳатга чиқдим. Ўзбекистон, хусусан, Бухоро мени ўзига мафтун этди. Бу ерга илк маротаба келишим. Мен билан оилам, невараларим ҳам бирга келган. Уларнинг ҳам бу тарихий шаҳарни кўришини истадим. Бизга жуда ёқди. Энди ҳар сафар саёҳатларимизни Ўзбекистон, Бухоро бўйлаб ташкил қиламиз, Бухорога яна ва яна келамиз.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**"ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ" НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
"Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси, "ЎзГАШКЛИТИ" ДУК,
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК,
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 94-916-99-77.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-341.
1763 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.
**Навбатчи** – А. Эгамбердиев.

ЎзА якуни – 22.25.
Топширилди – 22.50. 1 2 3 4 5 6

2024 йил 21 март Наврўз байрами пайшанба кунга тўғри келиши муносабати билан газетамизнинг 19 ва 22 мартдаги сонлари биргаликда 21 март куни чоп этилади.